



Айн-Жалут жанги

658-хижрий йил Рамазон ойининг 25-санасида (1260 йил 3 сентябр) Миср султони Кутуз бошчилигидаги мусулмонлар кўшини ва найман Китбук бошчилигидаги мўғуллар кўшини ўртасида машхур Айн-Жалут (Фаластин) жанги бўлиб ўтди. Хулагу армияси мўғуллар копуси тор-мор килинди, Китбук асир олинди ва катл этилди, мўғуллар эса Шомдан хайдаб юборилди. Бу мўғуллар устидан уларнинг босқинчилик урушлари бошланганидан бери биринчи муҳим галаба эди ва бунда Ислом жангчиларининг хизмати катта бўлди. Айн-Жалут жанги тарихда энг муҳим жанглардан бири ҳисобланади. Унинг галаба билан якунланиши натижасида мусулмон дунёси парокандаликдан қутулди, мўғуллар енгилмаслиги ҳақида афсона йўқка чиқди, Миср мўғуллар ва уларнинг салиб

иттифокчиларига карши жиходда бир форпост бўлди.

1253 йилда Мўғулистондаги курултойда Эрон исмоилийлари-низорийлар, Аббосийлар халифалиги, Сурия Айюбийлари ва Миср Мамлукларига карши юриш масаласи хал килинди. Бу мўғул кўшинининг энг йирик боскинчилик юришларидан бири эди. Улуг Хон Мунке укаси Хулагуни унга кўмондон этиб тайинлади. Кўшинлар сони 150-170 минг кишига етди. Якин Шарк мусулмонларининг мўғулларга карши юришида Марказий Осиё насронийлари катта рол ўйнаган. Хулагунинг тўнгич хотини, нуфузли Докуз-хотун насроний эди ва насронийларнинг хомийси саналарди. Найман Китбука бир несториан эди. Нихоят, Кичик Арманистон шохи Хетум I Антиох князи Бохемондга ўз кизини хотинликка бериб, уни мўғуллар билан иттифок тузишга жалб кила олди.

Асосий мўғул кўшини 1256 йил бошида Амударёни кечиб ўтди ва бир йил ичида Гарбий Эронда жойлашган Исмоилий калъаларини йўқ килди. Хулагу кейинрок Аббосийлар халифалигининг пойтахти Богдодга юриш килди. Халифа Мустасим хизматида бўлган шиа вазири Ибн Алкабийнинг хиёнатидан сўнг шаҳар 1258 йилнинг феввалида кулади. Хулагу Богдодни ўз кўшинларига талон-тарож килишга берди. Пойтахт ер билан битта килиб ёкиб юборилди, Халифа катл этилди ва бир миллиондан зиёд мусулмон ўлдирилди. Несториялик Докуз-хотуннинг илтимосига кўра, мўғуллар шаҳар аҳолисидан факат ўз иттифокчилари деб хисоблаган насронийлар ва яхудийларни омон колдирди. Аллох таоло айтганидек: «Ва албатта, золимлар бир-бирларига дўстдирлар» (Жосия, 19).

Багдоднинг кулаши мусулмонларга тушкунликка солди. Олим саналган баъзи жохиллар мўғулларнинг киёматдан олдин келадиган Яъжуж ва Маъжуж кабилалари бўлиб, улар билан жанг килиш фойдасиздир, деган фикрни оддий халк орасида ёйганлар.

Мўғулларнинг кейинги нишони Шом эди. 1259 йилнинг кузида улар курдларни маглуб этиб, бир неча муҳим шаҳарларни кўлга киритдилар. 1260 йил январ ойида мўғуллар арманлар ва салибчилар орасидан насроний иттифокчилари билан биргаликда Халабни кўлга олиб, барча мусулмонларни киличдан ўтказдилар. Халаб кулаганидан хабар топгач, Айюбий Султон Носир Юсуф Шомдан Газога кўшин билан чекинди. Дамашк мўғулларга жангсиз таслим бўлди. Феврал ойининг ўрталарида Китбука шаҳарга кириб, у ерда мўғул хокимини тайинлади. Ислон дунёсининг сўнгги кўргони — Мисрга мўғуллар истилоси тахдиди кучайди. Мусулмонлар бўйсунитдан бош тортган хар бир шаҳарни талвасага солиб, ўзи билан бирга ўлим ва вайронагарчилик келтирган дахшатли душмандан халос бўлиш учун кеча-кундуз Аллохга ибодат килдилар. Ва бу ёрдам кутилмаган жойдан келди. Хитойнинг Хечжоу баликчилар шаҳрини камал килиш чогида буюк Хон Мунке кутилмаганда вафот этди, унинг ўлими укаси Хулагуни армиянинг асосий кисми билан Шомдан чекинишга мажбур килди.

Хулагу Китбукка 20 минг кишигача бўлган кам сонли кўшин, жумладан, иттифокчи арманлар ва грузинлар мададини колдиради. Хулагу Мунке вафотидан кўп ўтмай мўғуллар империясини бошқариш учун кураш пайдо бўлиши муқаррар эканлигини англаб, кўшиннинг катта кисмини олиб кетишга мажбур бўлди. Китбукка забт этилган худудларда мустахкамланиб олиш топширилади. Бирок буйрукка зид равишда мўғуллар жанубга, Фаластинга караб юрадилар ва у ерда бир катор калъаларни кўлга киритадилар. Шундан сўнг улар Миср худуди билан чегарага йўл олишди.

Шомдан чекинаётган Хулагу куйидаги ультиматум билан Кохирага мамлуклар султони Кутузга мўғул чопарини жўнатади: «Буюк Тангри Чингизхонни ва унинг уругини танлади ва барча ерларни бизга инъом килди. Бизга итоат килишдан бош тортган хар бир киши

маълум бўлсинким, хотини, бола-чакаси, кариндош-уруги, куллари ва шаҳарлари билан бирга мавжуд бўлмай кўяди, бизнинг чексиз кўшинимиз хакида овоза эса Рустам ва Исфанидёр хакида афсоналар каби таркалади. Шундай экан, агар сен бизнинг буюклигимизга итоат этсанг, ўлпон жўнат, ўзинг кел ва ҳокимни сўра, акс холда урушга тайёрлан».

Кутуз ҳарбий раҳбарларга хабар ўкиб бергач, дейди: "Хулагу Хон катта кўшин билан Турондан Эронга шошилди ва халифалар, султонлар ва ҳукмдорлардан бирон кимса қаршилиқ кўрсатишга қуч топмади. Барча мамлакатларни босиб олиб, Дамашка етиб борди ва агар ақасининг ўлими хақидаги хабар унга етиб бормаганида Миср ҳам бошқа мамлакатларга қўшилиб кетарди. Шундай қилиб, у бу ерларда найман Китбукни қолдириб кетди... Агар у Мисрга суикасд қилса, ҳеч ким ҳокимиятни бутунлай йўқотишдан кўра кўпроқ қаршилиқ кўрсатишга қучи етмайди. Вазиятдан чиқиб кетишнинг йўлини топиш керак".

Саркардалар билан маслаҳатагач, Кутуз дейди: «Хозирги пайтда Диёрбақир, Диёрроби ва Сурия йигини тўла, Бағдоддан Византиягача ерлар ҳаробазорга айланган, ишлов берилмаяпти ва экин экилмаяпти. Агар биз мўғулларда илгарилаб, уларга қаршилиқ кўрсатиш учун қўтарилмасак, Миср ҳам бошқа мамлакатлар каби ҳароб қилинади. Мамлакатимизга қасд қиладиган бу одамларга нисбатан ўчта йўлдан бирини танлаш керак: ёки мураса ёки душманлик ёки ватанни тарк этиш... Менинг фикрим қуйидагича: келинг, биргаликда урушга жазм этамиз. Агар галаба қозонсак, бу айнан биз интилан нарсас бўлади, бўлмаса халқимиз бизга таъна қилади». Шундан сўнг амирлар тарқалишади ва бош амир бўлган Бундукдар билан кенгашади. Бундукдар дейди: «Менинг фикрим шундай, элчиларни ўлдирамиз ва биргаликда отларимизни Китбуққа қарши йўналтирамиз. Агар биз уни мағлуб этсак ва агарда ҳалок бўлсак, иққала ҳолатда ҳам афв ва миннатдорликка лойиқ бўламиз». Кутуз бу сўзларни маъқуллайди ва тунда элчилар қатл этилди. Шу тариқа мўғуллар билан мураса йўли йўқ қилинади ва мамлакатни босиб кетган мўғуллар тарафдорлари айғокчилар қўрқитилади.

Кутуз мўғулларга қарши жиҳод эълон қилиб, унинг раҳбарлигидаги мусулмонлар 1260 йил 26 июлда Мисрда Аллох йўлига қикдилар. 12 минг қишилиқ мамлуқлар қорпуси Синай қўлидан ўтиб, Газодаги мўғуллар тўсигини ўққа тутди. У қалибчиларга тегишли ерлар эди. Кутуз қўшини уларнинг ҳудудларидан ўтиб, озик-овқат қотиб олшини сўраб, уларга илтимос билан мурожат қилди. Қалибчилар, айниқса, Сидон саналгандан кейин, Марж Айюн билан талашиб-қортишиб қичик мўғул отрядига ҳужум қилиб, қалибчилар билан мўғуллар ўртасидаги муносабатлар бузилгандан кейин, бошқа иложлари ҳам йўқ эди. Қуддус Қироллиги ҳудуди орқали мусулмонлар Қалилага, мўғул қўшинининг орқа томонига қириб қордилар.

658-ҳижрий йил Рамазон ойининг 25-санаси тонгида Айн-Қалут шаҳри яқинида мусулмон дунёси учун ҳал қилувчи жангда икки қўшин тўқнаш қелди.

Жанг олдидан Кутуз мўғулларга қистирма қўйишга қарор қилди. Султон ўз суворийларининг катта қисмини водий атрофидаги тепалиқларда яширган ва мўғуллар ҳужумини қўзғатмоқчи бўлиб, Бейбарс мўғуллар билан ўчрашиш учун илгор отрядини юборган. Жанг қамонлардан ўқ денгизи ёғдирган мўғул отликларининг ҳужуми билан бошланди. Байбарс тўғридан-тўғри тўқнашувдан қочиб, қечиниш маневри билан душманни илинтирмоқчи бўлди. Бу бир неча марта қодир бўлди. Ниҳоят, қийлага ўчган Китбуқа бутун мамлуқлар қўшини унинг олдига деб ўйлаб, асосий қуч билан Байбарс тарқибини таъқиб қилишга шошилди. Тепалиқларга етиб қелгач, қутиб турган отлик

кўшинлар мўгулларга ён томонан хужум қилишди. Бу мўгуллар ва уларни кўллаб-қувватловчи грузин ва арман отрядлари учун тўлик сюрприз бўлди. Эрта тонгдан то пешингача давом этган шиддатли жанг авж олди. Айникса, тарихда биринчи марта мўгулларни якин жангда енгган мусулмонларнинг огир отликлари гайрат қилган. Китбука бутун кучи билан қуршовдан чиқиб кетишга ҳаракат қилди ва хужумини ислом кўшинининг чап қанотига йўналтирди.

Душманнинг чап қанотини деярли эзиб ташлаганини кўриб, жангни баланд жойдан қузатиб турган Кутуз жангчилар уни таниб олишлари учун дубулгасини четга улоқтирди. Мусулмонларга қуч-қувват ва қатъият бериш учун Султон уларга "Ислом учун! Ислом учун!" деган жанг нидоси билан даъват қила бошлади. Шундан сўнг у чап қанотни қутқариш учун ўз жамоаси билан ташланди. Нихоят, мўгуллар дош бера олмадилар ва қочишга тушдилар. Улар мардона жанг қилган, аммо охир-оқибат қўлга тушган ўз саркардаси Китбукни жанг майдонида ташлаб қетдилар. Султонга мўгул отликларининг бир отряди жанг майдонидан унча узок бўлмаган қамишзор қақалақзордан паноҳ топгани маълум бўлди. Кутуз қақалақзорларга ўт қўйишни буюрди ва ҳаммаси ёқиб юборилди.

Кейин Кутузнинг олдида қўл-оёқлари боғланган Китбук келтирилди. Султон уни кўргач, унга: "Эй хоин одам, ноҳақ қўп қон тўқдинг, баҳодирлар ва улуг инсонларнинг жонини олдинг, ваъдангни бузиб, қадимий оилаларни ёлғон сўз билан яқсон қилдинг. Нихоят сен ҳам илиндинг-ку". Китбука Хулагу қатта қўшин хужум қилишини айтиб таҳдид сола бошлади, бунга Кутуз жавоб берди: "Турон отликлари билан мактанма, улар Рустами Достон қаби мардонаворлик билан эмас, балки айёрлик ва хийла-найранглар билан бажаради". Шундан кейин Султон мўгул саркардасини қатл этишга буйруқ берди. Қўп асрлар давомида мусулмонлар ёдида қоладиган бу улуг жанг шу тариқа нихоясига етди. Мўгулларнинг кейинчалик ҳам Шомга хужум қилишларига қарамай, улар энди Мисрга таҳдид солмасди. Бу ғалабадан сўнг Миср мусулмон оламининг тан олинган марказига айланди. Мамлуклар давлати икки ярим аср давом этган қудратли ва фаровон давлатга айланди. Бу 250 йил давомида Мамалуклар нихоят мўгулларни мағлубиятга учратиб, қалибчиларни Яқин Шарқдан қувиб чиқардилар, савдо ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар, қасалхона, масжид ва мактаблар қурдилар, санъат ва ҳунармандчилик ривожига қўмақлашдилар. Айн Жалут жангининг аҳамияти европалик тарихчилар томонидан ҳам эътироф этилган. Уларнинг таъкидлашича, мўгулларнинг бу мағлубияти нафакат Яқин Шарқни ўзгартирган, балки Европа цивилизациясининг кейинги ривожига ҳам таъсир кўрсатган, чунки ўша даврга қелиб мўгуллар Ғарбга анча қириб қетган эди. Қўпчилик мутахассисларнинг фикрича, агар мўгуллар Европадаги мусулмонлар устидан ғалаба қозонганида эди, Буюк Ренессанс бўлмаган бўлар эди. Шундай экан, замонавий насронийлар цивилизацияси мўгул қўшинларининг асосий қарбасини қабул қилиб, уларни мағлуб этган Ислом дунёси туфайли омон қолди, десак муболага бўлмайди.

Абу Муслим таржимаси